

**Хусусий акциядорлик тижорат «ДАВР БАНК»
Акциядорлари Умумий Йиғилишининг**

БАЁНИ

Йиғилиш ўтказилган сана:

2020 йил 04 сентябрь

Йиғилиш ўтказилган вақт:

18-00

Йиғилиш ўтказилган манзил:

**Тошкент ш., А.Навои-Зарқайнар
Блок «А»**

Баён ёзилган кун:

2020 йил 14 сентябрь

Қатнашдилар:

**Хусусий акциядорлик тижорат
«ДАВР БАНК» акциядорлари**

№	Акциядорларнинг Ф.И.Ш.	Шахсни тасдиқловчи маълумотлар. (Паспорт серияси, рақами, қачон ва қим тарафидан берилган.)	Акциялар сони (дона)	Устав капиталидаги улуши. %
1	Убаев Тахир Хайруллаевич	СА 1704112, от 09.01.2002г. Шайхантахурский РОВД, г Ташкент	1643040	5,04
2	Мирзаятов Миржалол Мирсагатович	СА 2045965, от 29.04.2004г. С.Рахимовский РОВД, г Ташкент	1229020	3,77
3	Хайруллаев Жавлон Хамидуллаевич	СА 1776080, 12.07.2002 й. Тошкент ш. С.Рахимов тумани ИИБ	2519411	7,73
4	Садьков Абдугани Абдурахимович	СА 1865615, от 24.03.2003г. Хамзинский РОВД, г Ташкент	2643860	8,11
5	Рахматуллаева Дурдона Лутфуллаевна	СА 1751669, от 22.05.2002г. Акмал Икрамовский РОВД, г Ташкент	3230660	9,91
6	Убаева Махфуза Абдумаликовна	АА 0656664, от 11.01.2013г. Шайхонтохурский РОВД, г Ташкент	4424389	13,57
7	Мирзаятов Миркодир Мирсагатович	СА 2349764, от 03.05.2007г. Хамзинский РОВД г Ташкент	3191540	9,79
8	Хайруллаев Даврон Хамидуллаевич	СА 2102544 от 10.02.2005г. Чиланзарский РОВД, г Ташкент	1085580	3,33
9	Убаев Лутфулла Хайруллаевич	АА 7337787, УВД г Ташкента	12632500	38,75
	Жами:		32 600 000	100

Банкнинг 100 фоиз жойлаштирилган (163 000 000 000 сўмлик акциялар), мазкур банк акциядорларининг умумий йиғилишида жами 32 600 000 дона овозга эга акциядорлар қатнашди. Бу акциядорлар умумий йиғилиш қворумининг 100 %ни ташкил этди. (“Давр-банк” акциядорларининг реестри Марказий Депозитарий томонидан 2020 йил 28 август ҳолатига ёпилган).

Йиғилиш Раиси:

Убаев Л.Х.

Таклиф этилганлар:

Банк Бошқаруви аъзолари: А.А.Самадов - Бошқарув Раиси
Р.Д. Умаров - Банк бош бухгалтери
О.Хаитов - Ҳуқуқшунос

Йиғилиш котиби:

М.М. Мирзаятов

Кун тартиби:

1. Акциядорлари йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
2. Банкнинг 2019 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш
3. 2019 йил яқунлари бўйича банк Кенгашининг ҳисоботини тасдиқлаш
4. 2019 йил яқунлари бўйича банк Бошқарувининг ҳисоботини тасдиқлаш
5. 2019 йил яқунлари бўйича банк Тафтиш комиссияси томонидан банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширув натижасида тузилган ҳисоботни тасдиқлаш
6. Банкнинг 2019 йил яқунлари бўйича молиявий ҳисоботларини тасдиқлаш
7. Банкнинг 2019 йил яқунлари бўйича ташқи аудиторининг ҳисоботини тасдиқлаш
8. Банкнинг 2020 йил иш фаолияти якуни юзасидан аудиторлик текшируви ўтказиш, аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш;
9. Банк Уставининг янги таҳририни тасдиқлаш;
10. Банк Тафтиш комиссиясига аъзолар сайлаш
11. Банк Санок комиссиясига аъзолар сайлаш
12. Банкнинг ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш
13. Банк акциядорлари сафига ўзгартириш киритиш
14. Банкнинг 2019 йил яқунлари бўйича фойдасини тақсимлаш

Эшитилди:

Йиғилиш раиси Л.Х.Убаев сўзга чиқиб, қворуми етарлигини (100 %) ҳисобга олган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилишини очиқ,- деб эълон қилди. Шундан сўнг йиғилиш регламентини тасдиқлашни овозга қўйди. Йиғилиш қатнашчилари таклиф этилган йиғилиш регламентини бир овоздан қабул қилдилар.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан банк Бошқарув раиси А.А.Самадов сўз олиб, банкнинг 2019 йилда асосий мақсад банкнинг молиявий ҳолатини яхшилаш билан бир вақтда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, янги ишчи ўринлар яратиш, Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ижобий натижалар билан таъсир қилувчи банк маҳсулотлари яратиш ҳисобланганлигини таъкидлади ва жамиятнинг йиллик ҳисоботи билан иштирокчиларни таништирди (илова қилинади).

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига банк мижозларининг сони 21,9 мингтани ташкил қилмоқда. Бу ўтган йилга нисбатан 2,7 мингтага кўплигини, яъни 13 % га мижозлар сони ошганлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатиб берилган иқтисодий меъёрлар бажариб келинмоқда.

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига банк кредит портфели 944 690,9 млн. сўмни ташкил қилади.

2019 йил давомида ажратилган кредитларнинг қисқа муддатлиси 49,9 млрд. сўмни ва узоқ муддатлиси 894,8 млрд.сўмни ташкил қилади.

2020 йил 1 январь ҳолатига бошқа банклардаги маблағлар суммаси 225 901,4 млн. сўмни ташкил қилди.

АКТИВЛАР	(минг сўм)
1. Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	311 248 618
2. Бошқа банклардаги маблағлар	62 908 652
3. Бошқа банкдаги мажбурий захиралар	972 184
4. Кредитлар и лизинг операциялари (соф)	955 300 460
5. Асосий воситалар	20 309 018
6. Номоддий активлар	1 717 839
7. Фойда солиғи бўйича жорий активлар	2 155 060
8. Фойда солиғи бўйича олдиндан тўланган активлар	1 992 736
9. Бошқа активлар	9 424 243
Жами активлар	1 366 028 810
МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ	
МАЖБУРИЯТЛАР	
10. Бошқа банклардаги маблағлар	-
11. Мижозлар маблағлари	871 849 715
12. Чиқарилган қарз қимматли қоғозлари	258
13. Бошқа қарз мажбуриятлар	248 184 650
14. Субардинар қарзлар	38 443 703
15. Ижара бўйича мажбурият	4 352 625
16. Бошқа мажбуриятлар	11 016 570
Жами мажбуриятлар	1 173 847 521
КАПИТАЛ	
17. Устав капитали	163 000 000
18. Қўшимча капитал	266 448
19. Таксимланмаган фойда	28 914 841
Жами капитал	192 181 289
Жами мажбурият ва капитал	1 366 028 810

Банкнинг бу қисқа давр ичида юқоридаги каби ижобий кўрсаткичларга эришишига қарамасдан жорий йилнинг асосий вазифаси бўлиб барқарорликни таъминлаш, юқори ҳалқаро рейтинг кўрсаткичларига ва жаҳон бозорида юқори ўринларга эришиш, банкдаги мижозлар базасини янада мустаҳкамлаш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўлиб қолишини Бошқарув раиси таъкидлаб ўтди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. “Давр-банк” ХАТБ Бошқарув раисининг банкнинг 2019 йил фаолияти натижалари, жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва банк фаолиятининг 2020 йилги асосий вазифалари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин ва қабул қилинсин.
2. Банкнинг 2019 молия йили фаолияти қониқарли деб ҳисоблансин.

Розилар – 32 600 000 овоз. қаршилар – йўқ. Бетарафлар – йўқ

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан банк Кенгаши раиси Л.Х.Убаев сўз олиб, банкнинг 2019 йил давомида амалга оширган чора-тадбирлари, хусусан эришган ютуқлари тўғрисида гапирди. Банк Бошқарувининг келтириб ўтган статистик маълумотларининг асосий қисмлари Кенгаш раиси томонидан ҳам ўқиб эшиттирилиб маълумот учун иштирокчилар эътиборига тақдим этилди. Бундан ташқари, банкда ўтказилган текширувлар ва уларнинг

натижалари, хозирда уларнинг бартаф этилганлиги, банкнинг барқарор фаолият юритишига хавф соладиган ҳолатлар аниқланмаганлиги тўғрисидаги ҳам сўз юритилди. Шу жумладан, банк Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар, қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатлар тўғрисида ахборот берилди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. “Давр-банк” ХАТБ Кузатув кенгаши раисининг 2019 йил фаолияти бўйича ҳисоботи тасдиқлансин ва қабул қилинсин.
2. Кенгашнинг 2019 молия йилидаги фаолияти қониқарли деб ҳисоблансин.

Розилар – 32 600 000 овоз. қаршилар – йўқ. Бетарафлар – йўқ

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан банк Бошқаруви раиси А.А.Самадов сўз олиб, банкнинг 2019 йил давомида амалга оширган чора-тадбирлари, хусусан эришган ютуқлари тўғрисида гапирди. Банк Бошқаруви томонидан қабул қилинган қарорлар, қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатлар тўғрисида ахборот берилди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. “Давр-банк” ХАТБ Бошқарув раисининг 2019 йил фаолияти бўйича ҳисоботи тасдиқлансин ва қабул қилинсин.

Розилар – 32 600 000 овоз. қаршилар – йўқ. Бетарафлар – йўқ

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан сўз банк Тафтиш комиссияси раиси **М.М.Мирзаятовга** берилди. **М.М.Мирзаятов** сўзга чиқиб, ўз навбатида банкда 2019 йил давомида ўтказилган тафтиш натижалари тўғрисида иштирокчиларга маълумот бериб ўтди. Йил якунлариги бағишлаб тайёрланган Тафтиш комиссиясининг хулосаси иштирокчилар эътиборига тўлиқ ўқиб эшиттирилди. Иштирокчилар томонидан берилган саволларга комиссияси аъзолари томонидан асосли жавоблар берилди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. “Давр-банк” ХАТБ Тафтиш комиссиясининг 2019 йил фаолияти бўйича ҳисоботи тасдиқлансин ва қабул қилинсин.
2. Комиссиянинг 2019 молия йилидаги фаолияти қониқарли деб ҳисоблансин.

Розилар – 32 600 000 овоз. қаршилар – йўқ. Бетарафлар – йўқ

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан Банк бош бухгалтери Р.Умаров сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларига банкнинг 2019 йил якуни бўйича молиявий ҳолати ва ялпи даромади тўғрисида (бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари тўғрисида) ахборот берди. Жумладан:

Молиявий ҳолати бўйича ҳисобот (31.12.2019 йил)

АКТИВЛАР

(минг сўм)

1. Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	311 248 618
2. Бошқа банклардаги маблағлар	62 908 652
3. Бошқа банкдаги мажбурий захиралар	972 184
4. Кредитлар и лизинг операциялари (соф)	955 300 460
5. Асосий воситалар	20 309 018

6. Номоддий активлар	1 717 839
7. Фойда солиғи бўйича жорий активлар	2 155 060
8. Фойда солиғи бўйича олдиндан тўланган активлар	1 992 736
9. Бошқа активлар	9 424 243
Жами активлар	1 366 028 810
МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ	
МАЖБУРИЯТЛАР	
10. Бошқа банклардаги маблағлар	-
11. Мижозлар маблағлари	871 849 715
12. Чиқарилган қарз қимматли қоғозлари	258
13. Бошқа қарз мажбуриятлар	248 184 650
14. Субардинар қарзлар	38 443 703
15. Ижара бўйича мажбурият	4 352 625
16. Бошқа мажбуриятлар	11 016 570
Жами мажбуриятлар	1 173 847 521
КАПИТАЛ	
17. Устав капитали	163 000 000
18. Қўшимча капитал	266 448
19. Тақсимланмаган фойда	28 914 841
Жами капитал	192 181 289
Жами мажбурият ва капитал	1 366 028 810

Ялли даромад бўйича ҳисобот (31.12.2019 йил)

ДАРОМАДЛАР

(минг сўм)

Фоишли даромадлар:

Берилган кредитлар бўйича 180 285 100

Фоишли ҳаражатлар:

Жалб қилинган маблағлари бўйича (58 522 682)

Соф фоишли даромадлар

121 762 418

Кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши заҳира

(6 078 339)

Кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши

шакллантирилган заҳирадан сўнгги соф фоишли даромад

115 684 079

Комиссион даромадлар

47 753 241

Комиссион ҳаражатлар

(12 383 089)

Валюта операциялари бўйича соф фойда

1 988 357

Бошқа даромадлар

637 178

Фоишсиз даромадлар

37 995 687

Ходимлар учун ҳаражатлар

(42 356 908)

Амортизация ҳаражатлари

(6 137 113)

Бошқа операцион ҳаражатлар

(14 305 637)

Баҳолаш мажбуриятларининг қадрсизланиши натижасида

кўрилган зарарлар

(563 040)

Фоишсиз ҳаражатлар

(63 362 699)

Фойда солиғи тўлангунча фойда

90 317 067

Фойда солиғи

(19 059 368)

2019 йил учун фойда

71 257 699

Бу маълумотларнинг ҳаққонийлиги «Ernst & Young» аудиторлик фирмасининг ҳисоботида ўз аксини топганлиги айтиб ўтилди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Банкнинг 2019 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот тасдиқлансин ва қабул қилинсин.

Розилар – 36 200 000 овоз. қаршилар – йўқ. Бетарафлар – йўқ

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан кузатув Кенгаши аъзоси М.М.Мирзаятов сўзга чиқиб, банкнинг 31 декабрь 2019 йил ҳолатига «Ernst & Young» аудиторлик фирмаси томонидан ўтказилган аудиторлик ҳисоботини ўқиб эшиттирди.

Ўқиб эшиттирилган ҳисоботнинг ҳолисоналигига ва ҳаққонийлигига иштирокчилар томонидан эътироз билдирилмади.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Банкнинг 2019 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудитор «Ernst & Young» аудиторлик фирмасининг ҳисоботи тасдиқлансин ва қабул қилинсин.

Розилар – 36 200 000 овоз. Қаршилар – йўқ. Бетарафлар – йўқ

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан Кузатув кенгаши аъзоси М.М.Мирзаятов сўз олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг талабларига кўра банкларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик текширишларини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлар томонидан ҳар йили текшириб турилиши лозимлиги белгилаб қўйилганлиги сабабли, банкнинг 2020 йилдаги молиявий фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун ташқи аудитор тайинлаш лозимлигини маълум қилиб ўтди.

Ушбу масалада банк Кенгаши томонидан 2020 йил якунлари бўйича аудитор этиб “Ernst & Young” аудиторлик фирмасини қайта тайинлаш ва 2020 йилнинг тўққиз ойлиги якуни натижаларини аудитдан ўтказиш бўйича “Ernst & Young” аудиторлик фирмасини тайинлаш юзасидан таклиф киритилганлиги айтиб ўтилди.

Таклиф юзасидан банк акциядорлари томонидан эътироз билдирилмади ва уларнинг хизматлари учун тўлаб бериладиган ҳақ миқдори келишиб олинди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. 2020 йилнинг якунларини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича «Ernst & Young» аудиторлик фирмаси тасдиқлансин ва хизмат ҳақи миқдори 600 000 000 сўмдан юқори бўлмаган миқдорда ўрнатилиши мумкинлиги белгилаб қўйилсин.
2. 2020 йилнинг тўққиз ойлиги якунларини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича “Ernst & Young” аудиторлик фирмаси тасдиқлансин ва хизмат ҳақи миқдори 200 000 000 сўмдан юқори бўлмаган миқдорда ўрнатилиши мумкинлиги белгилаб қўйилсин.
3. Банк Кенгашига тасдиқланган аудиторларни ўзгартириш ва хизмат ҳаққини белгиланганидан 10 фоизгача ошириб тўлаш ваколати берилсин.

Розилар – 36 200 000 овоз. Қаршилар – йўқ. Бетарафлар – йўқ

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан Кенгаш аъзоси С.С.Назаров сўзини давом эттириб, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда тасдиқланиши муносабати билан банк Уставини мазкур қонунга мувофиқлаштириб, қайтадан янги таҳрирда тасдиқлаб, давлат рўйхатидан ўтказиш лозим эканлигини таъкидлаб ўтди.

Иштирокчилар эътиборига янги таҳрирдаги уставнинг матни ўқиб эшиттирилди. Билдирилган саволларга банк ҳуқуқшуноси ва Кенгаш аъзолари томонидан тушунтириш берилди. Устав матнига эътироз билдирилмади.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. “ДАВР БАНК” ХАТБнинг Устави иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин ва давлат рўйхатидан ўтказилсин.

Розилар – 32 600 000 овоз. Қаршилар – йўқ. Бетарафлар – йўқ

Кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан, Қузатув Кенгаши раиси сўзида давом этиб, Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2014 йилги № ЎРҚ 370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг (Янги таҳрир) 107-моддасига мувофиқ, жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш ёки амалдаги тафтиш комиссиясининг ваколатини икки йил муддатга узайтириш лозимлигини таъкидлади.

Шу ўринда банк Кенгашига банк акциядорлари Д.Х.Хайруллаев ва Д.Л.Рахматуллаевалар томонидан Тафтиш комиссиясига **Хайруллаев Жавлон Хамидуллаевич, Убаев Тохир Хайруллаевичнинг, Садиқов Абдуғани Абдурахимовичнинг** номзодлари таклиф қилинганлиги маълум қилиб ўтилди.

Билдирилган фикр ва мулоҳазалар таҳлил қилиниб,

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. «Давр-банк» ХАТБ Тафтиш комиссиясининг қуйидаги таркиби тасдиқлансин ва ваколат муддати бир йилгача қилиб белгилансин:

- a. **Хайруллаев Жавлон Хамидуллаевич**
- b. **Убаев Тохир Хайруллаевич**
- c. **Садиқов Абдуғани Абдурахимович**

Розилар – 32 600 000 овоз. Қаршилар – йўқ. Бетарафлар – йўқ

Кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан, қузатув Кенгаши аъзоси М.М.Мирзаятов сўз олиб, Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2014 йилги № ЎРҚ 370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг (Янги таҳрир) 66-моддасига мувофиқ, овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун санок комиссиясининг янги таркибини тасдиқлаш ёки амалдаги комиссиянинг ваколат муддатини бир йил муддатга узайтириш лозимлигини таъкидлади.

Иштирокчилар томонидан комиссиянинг таркибига эътироз билдирилмади.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. ХАТБ «Давр банк» санок комиссиясининг қуйидаги таркиби ўзгаришсиз қолиб, ваколат муддати бир йилгача (акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар) узайтирилсин:

- a. **Мирзаятов Миржалол Мирсагатович**
- b. **Хайруллаев Даврон Хамидуллаевич**
- c. **Собиров Улуғбек Баходирович**

Розилар – 32 600 000 овоз. қаршилар – йўқ. Бетарафлар – йўқ

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан Кенгаш аъзоси С.С.Назаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини оширишга қаратилган қарорлари ижроси юзасидан келгусида банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ишнинг самарадорлигига эришиш учун банкнинг

корпоратив бошқарув тизимида ўзгартиришлар қилиш, ишнинг самардорлигини ошириш механизмини яратиш асосий масалалардан бири эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шу муносабат билан, банк тизимида фаолият олиб бораётган мижозларнинг сони кескин равишда ўсиб бораётганлигини, мижозлар томонидан қўшимча банк хизматларларга бўлган талабнинг ортаётганлигини инobatга олган ҳолда, ҳамда тадбиркорларга қулай шароит ва сифатли банк хизматини ташкил этиш мақсадида банкнинг ташкилий тузилмасига айрим ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар берилди. Лойиҳадаги ташкилий тузилма иштирокчилар эътиборига етказилиб таништириб ўтилди. Эътирозлар билдирилмади.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. “Давр-банк” ХАТБнинг ташкилий тузилмаси янгидан тасдиқлансин.

Розилар – 32 600 000 овоз. Қаршилар – йўқ. Бетарафлар – йўқ

Кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан банк Кенгаши Раиси Л.Х.Убаев сўз олиб, банк акциядори бўлмиш Садиқов Абдугани Абдурахимович ўзига тегишли бўлган акцияларни сотиш юзасидан банк акциядорларига ва банк Кенгашига таклиф юборганлигини маълум қилиб ўтди. Шу муносабат билан мазкур масала банк акциядорларининг бугунги йиғилиш кун тартибига муҳокама учун киритилганлиги айтиб ўтилди.

Ўз навбатида, Садиқов Абдугани Абдурахимович сўзга чиқиб, ўзига тегишли бўлган 2 643 860 дона оддий акцияни сотиш ниятида эканликларини қайта маълум қилиб, кимда қандай таклифлар мавжуд эканлигини сўради.

Йиғилишда иштирок этган акциядорлар масала юзасидан таклифларини келгусида маълум қилишларини билдириб ўтдилар.

Йиғилишда иштирок этувчилар томонидан бошқа таклиф ва мулоҳазалар билдирилмади. Кун тартибидаги масала, йиғилишда иштирок этувчилар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди ва

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Садиқов Абдугани Абдурахимовичнинг ўзига тегишли бўлган оддий акцияларини сотиш таклифи маълумот учун қабул қилинсин.

Розилар – 32 600 000 овоз. қаршилар – йўқ. Бетарафлар – йўқ

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала юзасидан Кенгаш аълиси М.М.Мирзаятов сўз олиб, банкнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан қолган 2019 йилнинг тақсимланмаган фойдаси 71 257 699 000,00 сўмни хусусан 2019 йилнинг 9 ойи якуни бўйича соф фойдаси 57 257 597 000 сўм эканлигини маълум қилди.

Шундан 57 210 526 315,79 сўмини акциялар хариди учун йўналтиришга қарор қилинганлиги маълумот учун айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2014 йилги № ЎРҚ 370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг (Янги таҳрир) 102-моддасига мувофиқ маълумотларнинг ишончлилиги мулкый манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланганлигини таъкидлаб ўтди.

Йиғилиш давомида раислик қилувчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 32-моддасида ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори жамият уставида назарда тутилади, аммо бу миқдор жамият уставида белгиланган миқдорга етунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак, - деб белгиланганлиги маълум қилиб ўтилди. Шу муносабат билан тақсимланмаган фойдадан 3 562 884 950,00 сўмини жамиятнинг умумий захира фондига йўналтирилиши таклифи берилди. Ушбу таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан рўйхатга олинган Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 11-банди талаблари асосида "стандарт" деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ) суммасининг бир фоизи миқдорида, 1 614 902 799,15 сўм миқдорида захира яратилиши таъкидлаб ўтилди.

Тақсимланмаган фойданинг 8 869 384 935,06 сўми дивиденд тарзида қонунчиликда белгиланган тартибда солиқларини тўлаб, қолган 7 000 000 000 сўмини акциядорларга уларнинг улушларига мутаносиб равишда тақсимлаб аввал чиқарилган акцияларнинг харидига йўналтириш ва 1 400 000 000 сўмини дивиденд тарзида тўлаб бериш юзасидан таклиф киритилди.

Йиғилиш раиси юқоридаги масала юзасидан кимда қандай таклиф ва мулоҳазалар борлигини сўради.

Йиғилишда иштирок этувчилар томонидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилмади. Қун тартибидаги масала, йиғилишда иштирок этувчилар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. **Банкнинг** 2019 йилнинг тақсимланмаган фойдаси 71 257 699 000,00 сўми ва 2019 йилнинг 9 ойи якуни бўйича соф фойдаси 57 257 597 000,00 сўми ташкил этгани маълумот учун қабул қилинсин.
2. Тақсимланмаган фойданинг 3 562 884 950,00 сўмини жамиятнинг умумий захира фондига йўналтирилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан рўйхатга олинган Низомнинг 11-банди талаблари асосида "стандарт" деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ) суммасининг бир фоизи миқдорида, яъни 1 614 902 799,15 сўм миқдорида захира шакллантирилсин.
4. Тақсимланмаган фойданинг 8 869 384 935,06 сўми дивиденд тарзида қонунчиликда белгиланган тартибда солиқларини тўлаб, қолган 7 000 000 000 сўми акциядорларга уларнинг улушларига мутаносиб равишда тақсимлаб аввал чиқарилган акцияларнинг харидига йўналтирилсин ва 1 400 000 000 сўми қарор имзоланган санадан бошлаб 60 кундан кечиктирмай акциядорларга уларнинг улушларига мутаносиб равишда дивиденд тарзида тўлаб берилсин.

Розилар – 32 600 000 овоз. қаришлар – йўқ. Бетарафлар – йўқ

Йиғилиш Раиси

Л.Х. Убаев

Котиб

М.М. Мирзаятов